

Фикҳ дарслари (32-дарс). Шаръий одобларга оид китоблар



21:10 / 08.05.2019 6283

Бу йўналишдаги китобларда ҳар бир мўмин-муслмон риоя қилиши лозим бўлган шаръий одоблар ҳақида атрофлича сўз юритилади.

1. «Барийқои Маҳмудийя фий шарҳи торийқои Муҳаммадийя».

Бу китобнинг муаллифи ҳанафий олимлардан Абу Саъийд Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Мустафо Ходимийдир. «Барийқои Маҳмудийя фий шарҳи торийқои Муҳаммадийя»да турли фазилатлар, тоатлар, фарз ва нафллар жамланган.

Шунингдек, унда ҳаром қилинган нарсалар ва разолатлар рўйхати ҳам бор. Унда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари баён қилинган. Бу китоб салафи солиҳнинг ахлоқини билишда кифоя қилади.

«Барийқаи Маҳмудийя фий шарҳи торийқаи Муҳаммадийя»нинг муаллифи ўз китобини Қуръон ва Суннатни маҳкам тутиш ва эътиқодни мустаҳкамлаш ҳақидаги ҳадис ила бошлаган. Сўнгра ахлоқ, фазилатлар, қалбдаги касалликлар, уларнинг офати ва муолажаси ҳақида сўз юритган.

Муаллиф Қуръон, Суннат, тўрт имом ва бошқаларнинг гапларидан далиллар келтиради. Китобда тасаввуф, ақоид, шаръий ҳукмлар ва ахлоқ масалалари кенг ёритилган.

«Барийқаи Маҳмудийя фий шарҳи торийқаи Муҳаммадийя» китобининг бош мавзулари қуйидагилардан иборат:

Биринчи боб: «Китоб ва Суннатни маҳкам тутиш»:

Биринчи фасл: Мутлақо маҳкам тутиш.

Биринчи нав: Қуръонни маҳкам тутиш.

Иккинчи нав: Суннатни маҳкам тутиш.

Иккинчи фасл: Бидъатлар баёни.

Бидъатларнинг турлари ва ҳукмлари.

Учинчи фасл: Амалда тежамкор бўлиш.

Тоатда тежамкорлик жоизлигига далолат қилувчи оятлар.

Тоатда тежамкорликка суннатдан далиллар.

Иккинчи боб: «Шариати Муҳаммадийядаги муҳим ишлар».

Биринчи фасл: Эътиқодни тўғрилаш.

Иккинчи фасл: Қасд қилинадиган илмлар.

Биринчи нав: Буюрилган илмлар.

Иккинчи нав: Ман қилинган илмлар.

Учинчи нав: Мандуб илмлар.

Учинчи фасл: Тақво ҳақида.

Биринчи нав: Тақвонинг фазилати.

Иккинчи нав: Тақвонинг тафсири.

Учинчи нав: Тақво жорий бўладиган аъзолар.

Учинчи боб: «Тақво ва вараъ деб гумон қилинадиган ишлар».

Биринчи фасл: Таҳорат ва нажосат ҳақида диққатли бўлиш.

Иккинчи фасл: Парҳезкорликда ҳаддан ошиш.

Учинчи фасл: Бидъат ва ботил ишлар.

2. «Ал-одобуш-шаръийя вал минаҳул маръийя».

Бу китобнинг муаллифи машҳур ҳанбалий олим Шамсуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муфлиҳ Мақдисийдир.

«Ал-одобуш-шаръийя вал минаҳул маръийя» китоби кўплаб шаръий одобларни ўз ичига олган. Муаллиф мазкур масалаларни фасллар тартибида баён қилган.

«Ал-одобуш-шаръийя вал минаҳул маръийя»да айтилган гапларга Қуръон, Суннат, салафи солиҳ уламолар ва тўрт мазҳаб имомларининг гапларидан далиллар кўрсатилган. Шунингдек, ҳадисларнинг саҳиҳ ва заифларининг баёни ҳам келтирилган.

3. «Мадҳал ли Ибнил Ҳажж».

Бу китобнинг муаллифи моликий мазҳабида бўлиб, у кишининг исмлари Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад Моликий Фасийдир.

«Мадҳал ли Ибнил Ҳажж»нинг муаллифи масалаларни фикҳий боблар асосида баён қилмаган. Унда омма орасида ибодат ва тоатларда тарқалиб қолган бидъат-хурофотларга қарши ўт очилган ва суннатни лозим тутишга тарғиб қилинган.

«Мадҳал ли Ибнил Ҳажж»нинг муаллифи ўзи келтирган баъзи ҳукмларнинг Қуръон ва Суннатдаги далилини ҳам баён қилган. У фикҳий масалаларни моликий мазҳаби асосида келтирган ва таҳлил қилган. Бошқа мазҳаблар ҳақида сўз юритмаган.

4. «Адабуд-дунё вад-дийн».

Бу китобнинг муаллифи шофеъий мазҳабидаги машҳур олим имом Мовардийдир.

«Адабуд-дунё вад-дийн» диний фазилат ва ахлоқлар ҳамда ижтимоий одоблар ҳақидаги китобдир. Унда асосан фазилатларга чақирувчи ва разилатлардан қайтарувчи оят ва ҳадисларга суянилган. Кейин эса араб адабиёти ва мусулмон халқлар адабиётидаги ҳикмат, шеър, мавъиза ва масаллардан кенг фойдаланилган.

Имом Мовардий «Адабуд-дунё вад-дийн»ни беш бобга тақсимлаган:

1. Ақлнинг фазли ва ҳавойи нафснинг мазаммати.
2. Илм одоби.
3. Дин одоби.
4. Дунё одоби.
5. Нафс одоби.

“Фикҳий йўналишлар ва китоблар” китобидан